

Унда вазирликнинг Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи И.Тургунов сўзга чиқиб, тadbirkorларга яратилган қулайликлар, жумладан, интернет тармоғи орқали тadbirkorлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатга олиш, қабул қилинаётган қарор ва фармойишлар, уларга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ҳусусида маъруза қилди.

Тadbirkorлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун туланидиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдоридан белгилангани, давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинганлиги фаолиятни бошлаш механизмларининг соддалаштирилганига хизмат қилаётганлиги таъкидланди.

Гулноза МИРЗАЕВА

АНДИЖОН

Олтинқул туманининг Қумакай қишлоғидаги тadbirkor-уста Бобиржон Мухамедов икки йил аввал «Халқ банки»нинг Андижон шаҳар филиалидан 40 миллион сўм миқдоридан кредит олиб, «Сапфир бизнес элит» масъулияти чекланган жамиятига асос солганди.

КРЕДИТ ЭВАЗИГА

Сифатли маҳсулотга талаб ортиб, тadbirkor банктан олган кредитини бир йилда узди. Бу йил яна 89 миллион сўмлик кредит расмийлаштирди. Ушбу маблағ эвазига қўшимча ўнга иш ўрни яратилиб, ишчи-ходимлар учун иш ва дам олиш шароитлари яхшиланди.

Ўз мухбиримиз




Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# Ishonch

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 3-dekabr, seshanba № 146 (3339)

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



«Хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси

## Муносиб меҳнат барқарорлигини таъминлаш йўлида

Муносиб меҳнат иқтисодийнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, унинг иштирокчилари манфаатлари уйғунлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда Давлат мустақиллигининг илк кунлариданоқ ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти йўли танланди. Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, эркин касб танлаш ҳуқуқига эга.

Бош Қомусимиз орқали мустақамлаб қўйилган устувор ҳуқуқий мезонлар истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ амалга киритилган ривожланишнинг «Ўзбек модели» асосларидан бирига айланди. Мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилган ислохотлар том маънода меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам ижобий ўзгаришларга замин яратди. Меҳнат муносабатларининг қонуний ва демократик асослари яратилиб, ижтимоий шериклик асосида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар уйғунлигига кенг йўл очилди.

Аксини топган. Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилотининг 13 та Конвенцияси ратификация қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, меҳнат, бандлик ва аҳолининг ижтимоий муҳофазаси соҳасидаги ишлар тақомиллаштириб боришмоқда. Меҳнат Кодекси, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий сугурталаш, ногиронларнинг ижтимоий муҳофаза қилиш, бола ҳуқуқлари, одам савдосига қарши курашиш борасидаги ишларда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллиги ортиб бормоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

### 2013 йил — Обод турмуш йили



## Эл хизматида

Бухоро вилояти Когон туманидаги «Одинаев» хусусий корхонаси электр двигателларни таъмирлаш, синавдан ўтказиш, шунингдек, замонавий эшик-дарвоза ҳамда бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

2000 йилдан буён барқарор ва самарали фаолият кўрсатиб келаётган кичик корхонада йигирмага яқин ишчи-мухтаassis меҳнат қилмоқда.

Суратларда: ишчи Сирож Абдуллаев; ишчи Дилшод Саидов. Тохир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

### Обуна — 2014

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Зафаробод туман кенгаши аъзоларининг матбуот нашрларини мунтазам ўқиб боришини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун газета ва журналларга обуна бўлиш ушшоққлик билан ташкил этилган.

## Йил бўйи ўқиймиз

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари сеvimли нашрларимизга айланган, — дейди тармоқ кенгаши раиси Мухаммад Дўстов. — 36 та бошланғич ташкилотимизнинг ҳар бирига шу нашрлар 2014 йил давомида кириб борадиган бўлди. 9, 10-умумтаълим мактаблари жамоалари бештадан «Ishonch» ҳамда биттадан «Ishonch-Доверие» газеталарига обуна бўлди. Ташаббускорлари биз ҳам қуруқ қўймаймиз, албатта. Касба уюшма маблағи ҳисобидан ҳар икки жамоанинг 15 нафардан илгор ходимини юртимизнинг турли зиёратгоҳ жойларига саёхатга олиб боришни режалаштирганмиз.

Тармоқда келгуси йил учун нашрларга обуна қизғин давом этапти.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

### Нодавлат нотижорат ташкилотларида

Самарқандда Нодавлат нотижорат ташкилотлари форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ННТлари миллий ассоциацияси, вилоят ҳокимлиги, касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган форумда вилоятдаги ННТ ва давлат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

## Мақсад бир...

қилиш, 14,2 фоизи ёшлар ва хотин-қизлар, 13,6 фоизи соғлиқни сақлаш ва экологик йўналишда самарали фаолият юритаётгани таъкидлаб ўтилди. Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ижтимоий дастурлар учун грант ажратилаётгани фаолият қамровини янада кенгайтиришга асос бўлаётти.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг самарали, эркин ва мустақил фаолият юритиши учун мустаҳкам қонуний асос яратилганлиги, фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида ННТлар томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами кенгайиб бораётганини қайд этишди.

Шунингдек, республикаимизда фаолият юритаётган ННТлар сони ўн йил илгарига нисбатан 3,2 баробарга кўпайиб, айни чоғда 6,5 мингга етгани, уларнинг 40 фоизи фуқароларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя

қилиш, 14,2 фоизи ёшлар ва хотин-қизлар, 13,6 фоизи соғлиқни сақлаш ва экологик йўналишда самарали фаолият юритаётгани таъкидлаб ўтилди. Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ижтимоий дастурлар учун грант ажратилаётгани фаолият қамровини янада кенгайтиришга асос бўлаётти.

— Жамият ривожига ННТлар ўрни беқиёс, — дейди Самарқанд вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Акбар Абдуасидов. — Касба уюшмалари халқимиз ишончини оқлаб келаётган жамоат ташкилотларидан бири. Фаолиятимиздаги ҳамкорлик самараси янада салмоқли бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

### 3 декабр — Халқаро ногиронлар куни

## Эътибор оғушида

Истиқлолнинг дастлабки давридаёқ мамлакатимизда жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламига, жумладан, ногирон болаларнинг ижтимоий ҳимоясига жиддий эътибор қаратилиб, қатор қонунлар қабул қилинди. Бу уларнинг жамиятга имкониятлари доирасида мослашувини таъминламоқда.

Олмазор туманидаги «Мурувват» ногирон болалар учун 1-интернат уйида бўлганимизда, бу ерда яратилган қулай шароитларга гувоҳ бўлдик. Ёзи ва қишки замонавий спорт майдончалари, қишки сузиш ҳавзасига эга бўлган сарой, жисмоний даволаш хоналари, тренажёр зали, тиббий муолажа блоқи, ўқув ва сенсор хоналари болажонлар хизматида.

Сенсор хонасида имконияти чекланган, парваришга муҳтож болалар билан қўриш, эшитиш, хид биллиш, таянч-ҳаракат аъзоларини ривожлантириш мақсадида коррекцион машғулотлар олиб боришмоқда. Турли адабиётлар ҳамда махсус методик қўланмаларга бой кутубхонада болажонлар мутолаа билан бир қаторда компьютер саводхонлигини ҳам оширишаётир. Етоқхоналар шинам, озода. Бир сўз билан айтганда, ушбу муассасада болажонлар учун қулай муҳит яратилган.

— Мурувват уйимизда 304 нафар бола тиббий ва педагогик ёрдам олади, — дейди кутубхонада болажонларнинг компьютерда ишлаш жараёнини кузатиб, тегшли курсатмалар бераётган ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбо-



сари Шоира Шермухаммедова. — Еттига бўлим фаолият кўрсатади. Ҳар бир бўлимда таълим бошқичлари очилган бўлиб, болажонларга махсус дастур асосида билим ва қўнимка бериб борилади.

(Давоми 2-саҳифада).

### Истиқболли соҳа

Ўзбекистон ипакчилар ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари «Ўзбекистон ипаги» уюшмаси ва Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти пиллакорлари учун «Республиканинг чекка ҳудудларида пиллачилик ва ипакчиликни ривожлантириш» мавзусида семинар-тренинг ташкил қилинди. Олий Мажлис ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмағида уюштирилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятда фаолият кўрсатаётган пиллачилик ва тутчилик фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари, ҳосилотлар, «Пилла» бирлашмалари раҳбарлари, пиллани қайта ишлаш корхоналари мутасаддилари, ипакчилик соҳасидаги хунармандлар, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари раислари, ипак қурти парваришловчи хонадон соҳиблари иштирок этишди.

## Ипаклар жилоси

фермер Муборак Абдуллаева ипак қуртини кузда ҳам парвариш қилиб, мўл ҳосил олди.

Ўзбекистон дунёда хом ипак ишлаб чиқариш бўйича тўртинчи ўринда туради. Кейинги йилларда мамлакатимизда соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бу йил республикаимизда 25568 тонна пилла хом ашёси етиштирилди. Бу ўтган йилга нисбатан 556 тоннага кўпдир. Жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда бу йил мамлакатимизда илк бор ипак қуртини иккинчи бор парваришлаш усули жорий қилинди. Жаҳон иқтисодида муҳим ўрин тутувчи, мулақо қиқиндисиз бўлган ипакчилик-

ни янада ривожлантириш бўғунги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Семинар-тренингда пиллачилик соҳасига инновацион технологияларни киритиш, янги усулда ипак қуртини парваришлаш ва ушбу соҳада илгор давлатлар тажрибасини жорий қилиш, пилла сифати ва миқдорини ошириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш масалалари муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон ипаги» уюшмаси директори Баҳром Мирзаев, Ўзбекистон табиий толлалар илмий тадқиқот институти раҳбари Охунжон Ахун-

бобоев ва бошқалар долзарб мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Иштирокчилар «Ипак қурти инсон оламида» мавзусидаги видеофилмни томоша қилишди.

— Қишлоғимиздаги 24та фермер ҳўжалиги пилла етиштириш билан шуғулланади, — дейди Богот туманидаги Хитой қишлоғи пиллачилик ҳосилоти Султонпошша Ражабова. — Бу йил 286 хонадонда ипак қурти боқилиб, салкам 21 тонна пилла етиштиришга муваффақ бўлдик.

Ҳосилотнинг айтишича, пиллачиликка ихтисослашган


фермер ҳўжалиқларини оптималлаштириш, озуқа базаларини кенгайтириш юзасидан қўрилаётган чоралар ўз самарасини бермоқда. Эндиликда қурхоналарни тўзторларда барпо этиш тажрибаси таъбиқ қилинмоқда. Малоҳат Қурбонова раҳбарлигидаги «Саъдулла» фермер ҳўжалиги қишлоқнинг олди пиллакорларидан саналади. Мавсум давомида фермер 12 кишини иш билан

таъминлади. Саккиз йилдан буён пиллачилик билан шуғулланувчи фермер 550 кг.дан зиёд хом ашё етиштиришга муваффақ бўлди. Яна бир фермер Муборак Абдуллаева кузда ҳам ипак қурти парвариш қилди ва бу тажриба ўзини оқлади.

Семинар иштирокчилари кейинги йилларда республика ҳукумати томонидан соҳага алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида пилла етиштиришга иштиққанда қишлоқ сони ортиб бораётганини алоҳида эътибор этдилар.

Мухаббат ТУРАБОВА, «Ishonch» мухбири

3 декабр — Халқаро ногиронлар куни



Эътибор оғушида

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада). Шу куни Мурувват уйида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб... Марказий кенгаши маданий тадбир ташкил этди.

уҷун яратилган шароитларга эътибор қаратишди. Муассасага Марказий кенгаш томонидан 2 дона микротўлқинли печ ҳада этилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири. Аҳмад ТўРА олган суратлар

Оқибат ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги ҳамда Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйида маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда кенгаш раиси Фарҳод Хидиров қатнашди.

— Давлатимиз биздек кексалар ҳаётига мазмун олиб қирган-лигининг ўзи катта савобдир, — дейди Саховат уйида истиқомат қилаётган оқсоқол Юрий Родим.

Тадбирда кексаларга касаб уюшмалари томонидан тайёрланган махсус совғалар тоширилди. Катта концерт дастури намойиш этилди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Жиззах шахрининг қоқ марказида, «Қассоблик» маҳалласи худудида, бундан бир неча йил аввал «Меҳр-мурувват шаҳарчаси» бунёд этилган эди.

Асосан ногиронлар истиқомат қилувчи мазкур шаҳарча жамоли кундан-кунга ўзгариб, обод ва кўркем қиёфа касб этиб бормоқда. Худудда маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, поликлиника, махсус кутубхона, Маданият уйи, «Микрокредитбанк» шохобчаси ва бошқа бир қатор ижтимоий объектларнинг тартиб билан жойлашгани 56 хонадонли ногиронлар истиқомат қилувчи уйдаги аҳолига зарур қулайликлар яратмоқда.

Мурувват шаҳарчаси

Вилоят кўзи оғизлар жамияти бошқаруви раиси Исмаил Гопоров билан суҳбатимиз асосида англашдики, имконияти чекланган ва тенг шaroитда рақобатлаша олмайдиган шахслар орасида қўлигил хунармандлар, моҳир чеварлар, кўйингки, меҳнат қилиб толмайдиган инсонлар жуда кўпчилик экан.

Бундан уч йил аввал жамиятга қарашли ўқув ишлаб чиқариш корхонаси қошида иккита — «Жиззах-Саломат» ҳамда «Жиззах Файз-Барака» шўба корхоналари фаолият бошлади.

Ун киши меҳнат қилаётган «Жиззах-Саломат» шўба корхонасида тайёрланаётган қоплар мамлакатимиз энгил санoати тизимидаги пахта тозалаш корхоналарида асқотиши тайин.

— Корхонамизда ўн турдаги махсулот ишлаб чиқараемиз, — дейди «Жиззах Файз-Барака» шўба корхонаси раҳбари Султон Хидиров.

Суҳбатдошим минг бир истихолок билан бошқалари хафа бўлмасин, дея илғор ишчиларни тилга олади. Улар — биринчи гуруҳ ногиронлари Озода Бутаева, Замира Иномова, Абдувоҳид Маматқулов, Гулбаҳор Ҳақназарова...

Шўба корхона жорий йилнинг тўққиз ойида 150 375 513 сўмлик махсулот ишлаб чиқарди. Даромадга қараб бурумад деганларидек, бошланғич касаб уюшма ташкилоти етакчиси Раҳбарой Жабборов аш берувчи билан ҳамкорликда жамoа шартномасида белгилаб олинган бандлар асосида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасида янги марраларни режалаштириб олган.

Вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган маданий-маърифий, спорт тадбирларида вилoят кўзи оғизлар жамияти ҳам фаол қатнашиб келади. «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Термизда ўтказилган кўзи оғиз ногирон хотин-қизлар ўртасидаги спорт мусобақаларида жиҳазликлар жамoавий йўналишда фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

26-28 август кунлари шахмат-шашка йўналишидаги спорт мусобақаларида фаол иштирок этган вилoят жамoаси Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти Марказий бошқарувининг дипломи билан тақдирланди.

— Муаммолар ҳам йўқ эмас, — дейди жамиятнинг вилoят бошқаруви раиси И.Фопоров. — Энг муҳими, соғлиқни сақлаш, меҳмонхона хўжалиги каби муассасалар ҳамда қурилиш ташкилотларида кундалик асқотадиган буюмларга кўпроқ бюрутма тушишини истардик. Бу масалада мутасадди раҳбарлар бизни қўллаб-қувватлашса, айни муддао бўларди.

Абдулмоним АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Баъзан туғишганлар кўрсатолмаган оқибатни ўзгалардан топгандек бўласиз. Шунда англайсизки, меҳрнинг оз-кўпи, меҳрибонларнинг бегонаси бўлмайди.

Психофизик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган типдаги болалар уйига савобли амал сабаб ташриф буюрар эканмиз, бу ердаги ҳолат юқоридаги фикримизни янада мустаҳкамлади. Наманган шаҳрида жойлашган мазкур муассасада 4 ёшгача бўлган гўдақлар намунали шароитларда тарбияланмоқда. Ногиронлиги сабаб ҳатто туққан-туғишганлари воз кечган бу беғубор гўдақларга онадек меҳр кўрсатиб, бағрига олган, юраги ардоғида сақлаб, ғамхўрлик кўрсатаётган фидойиларнинг саъй-ҳаракатлари-ни кузатиб, уларнинг матонатига ҳавасландик.

Бу ерда ишловчиларга ҳам, болажонларимизга ҳам намунали шароит яратилган. Бунга, албатта, ҳукуматимиз эътибори, Юртбошимиз ғамхўрликлари сабаб эришилди.

Инвестиция дастурига асосан, 2012 йилда мазкур муассасага 618 млн. сўм ажратилиб, маъмурият биноси, ошхона, кир ювиш хонаси, ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса 953 млн. сўм йўналтирилиб, таъмирлаш, реконструкция ишлари бажарилди. Авваллари боғча биносини мослаштирган ҳолда фаолият юритилган бўлса, эндиликда ҳар бир объект намунали лойиҳа асосида барпо этилди. Ҳатто хона жиҳозларида ҳам болалар психологияси эътиборга олинганини кўриш мумкин.

— Бизга кўпинча гўдақларни турли вилоятлардаги туғруқ комплексларидан келтиришади, — дейди Назира опа. — Қариндошлар ўртасидаги никоҳ, турли салбий ҳаёт тарзини танлаган ота-оналар хатосининг жабри шу гўдак бошига тушган камлик қилгандек, ундан воз кечишади, кейинчалик хабар ҳам олишмайди. Давлатимиз маблағи эвази-

Саховат

га болаларда турли тиббий амалиётлар ўтказилмоқда. Хусусан, ўтган йили 7 нафар кўнлаб, 1 нафар гидроцефалия хасталигига чалинган гўдақлар муваффақиятли операция қилинди. Даставвал, туркиялик шифокорлар иштирокидаги амалиёт Наманган шаҳрида, иккинчи босқич операциялар пойтахтимизда ўзимизнинг мутахассислар томонидан амалга оширилди. Декабр ойида эса болажонларимни сўнги пластик жарроҳлик амалиёти учун пойтахтга олиб борамиз. Бу ердаги ҳар бир гўдак бошқалар каби, тўлақонли ҳаёт кечиршига муносиб. Биз эса улардаги шу ҳуқуқни мустаҳкамлаш ҳаракатидамыз.



«Нестле-Ўзбекистон» кўшма корхонаси хайрия ишларига алоҳида эътибор қаратиши билан ажралиб туради. Вилоятимида болажонлар парваршига ихтисослашган қатор муассасалар учун совғалар махсус маши-

наларда етказиб берилди. 1 млн. 200 минг сўмлик «Ширин туҳфа» таркибидан корхонанинг сўнги йилларда сифати янада мукамаллаштирилган сўт, сарийғ, какао-оли ичимлик каби махсулотлари ўрин олган.

— Шаҳримизда юксак салоҳиятли корхоналар анчагина, — дейди Наманган шаҳар ҳокими ўринбосари Феруза Жалолова. — Улар орасида етказиб берилди. 1 млн. 200 минг сўмлик «Ширин туҳфа» таркибидан корхонанинг сўнги йилларда сифати янада мукамаллаштирилган сўт, сарийғ, какао-оли ичимлик каби махсулотлари ўрин олган.

сулотларини туҳфа қилади. Айниқса, мазкур болалар уйидаги каби чақалқлар парваришида она сўти таркибига яқинлаштирилган бўтқа, сўт махсулотлари жуда қўл келади.

— Корхонамиз раҳбарияти нафақат фойдали озуқалар ишлаб чиқариш, шу билан бирга, хайр-саховатга тўла ишларни қилишни эзгу мақсадларидан деб билади, — дейди корхона касаб уюшма кўмитаси раиси Боситхон Холидов. — Бугунгидек хайрия тадбирлари доимий равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилади. Хайрия акциямиз доирасида мазкур муассасадан ташқари масканларни ҳам қамраб олишни мақсад қилганмиз. Байрам кунини худди шундай акция Учқўрғон туманидаги 46-махсус мактаб-интернатда бўлиб ўтади. Махсулотларимиз гўдақлар учун қувват ва қувонч манбаи бўлишидан биз ҳам манбунмиз.

— Мазкур корхона бизни қўллаб-қувватлаб турувчи доимий ҳомийларимиздан, — дейди муассаса директори Назира Ҳамдамова. — Байрам ва тантанали кунларда ҳамisha болажонларимизни йўқлаб, уларнинг кўнгилларига бир олам шодлик улашиб кетишади. Халқаро ногиронларни ҳимоя қилиш кунини 10 нафар ўғлимизга хатна тўйи қилмоқчимиз. Бугунги аҳолий совғалар тўйимиз дастурхонига янада кўрк бағишлайди. Илоҳим, ҳаммамни тўйларга, яхши кунларга етказсин.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири. Муаллиф олган сурат

Давра суҳбати

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаб уюшма кўмитаси Физика-Кўш илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институтида «Ўзбекистон Конституцияси — барқарор Конституция» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда ЎзФА тасарруфидаги корхона, ташкилот ва илмий тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган касаб уюшма фаоллари, олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Қонун олдида барча тенг

Суҳбат жараёнида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Қаримбеков Конституция, унинг жамият ҳаёти ва давлат сиёсатида тугган ўрни ҳақида маъруза қилар экан, Бош Қомусимиз мамлакатимизнинг юзи, халқнинг таянчи ва ёрқин келажаги учун қаролат эканини таъкидлади.

— Дунёнинг турли минтақаларида кенаётган тартибсизлик, уруш-тўпононларнинг асл сабаби ўша мамлакатларда турли миллат ва элатлар, дин-у эътиқодлар ўртасидаги муносабатларни тартибга сола оладиган мукамал ва бехато ишлайдиган қонунлар мажмуаси мавжуд эмаслиги, кимнингдир камситилишига сабаб бўлувчи сиёсат юритилаётганидир, — деди Қ.Қаримбеков. — Конституциямиз Ўзбекистондаги тинчлик ва осудалик, барқарор тараққиётнинг гарови сифатида давлатимиз фуқароси бўлган барча миллат ва элатлар, эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенг эканини белгилаб берган.

Давра суҳбатида ЎзФА Бирлашган касаб уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев сўз олиб, Физика-Кўш илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич касаб уюшма ташкилоти Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ҳодимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Республика босқичида 3-ўринни эгаллаганини қайд этди ва касаб уюшма етакчиси Дилбар Ёдгоровани ушбу муқофот билан қўлади. Йиғилганларга бошланғич ташкилот томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги кўргазма намойиш этилди.

Улугбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Обуна — 2014

Мамлакатимизнинг қай бир шаҳар ва қишлоғига борманг, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Қорақалпоғистон Республикасида бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Хўжайли туманидаги «Elite Stars Textile» масъулияти чекланган жамияти мустақиллик йилларида қурилиб, ишга туширилган корхоналардан. 2011 йил 2 март кунини иш бошлаган корхонада айни вақтда калава ип ишлаб чиқарилапти. Корхонада йилга 5 минг тонна махсулот тайёрланади.

5,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги Германия, Франция, Швейцария, Туркия, Япония ҳамда Италияда ишлаб чиқарилган технология ускуналар ўрнатилган корхонада ҳар қандай кишининг ҳавасини келтирадиган даражада орасталик ҳукмрон. Йигирувчи қизларнинг қўли-қўлига теғмайди.

— Корхонамиз қурилиб ишга туширилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди касаб уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Юсупов. — Жамoамизнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Бошланғич ташкилотимиз иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошди.

Ишчи-хизматчиларга яратилган меҳнат шароити қанча яхши бўлса, иш унумдорлиги ҳам шу қадар юксалишига мазкур корхонада гувоҳ бўлдик. Ҳозирги кунда бу ерда 162 киши меҳнат қиляпти. Дам олиш хоналари дид билан жиҳозланган. Барча ишчи-хизматчилар махсус кийим-бoш ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган. Улар учун иссиқ овқат, узоқдан қатновчилар учун эса махсус автобус хизматда. Ишлаб чиқариш чеҳи-

да эса махсус тиббиёт хонаси бўлиб, замонавий жиҳозлар ҳамда дори-дармон билан тўлиқ таъминланган.

Корхонага кириб келаверишдаги кенг ва ёруғ йўлак деворига корхонада амал қилаётган жамoа шартнома-си, ички меҳнат тартиби осиб қўйилган.

— Мамлакатимиздаги ҳар бир байрамни эсда қоларли даражада ўтказишга ҳаракат қиляпмиз, — дея сўзини давом эттирди касабкам етакчиси. — Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида саломатлик спартакиадалари ташкил этилмоқда.

Юқорида ургу берилганидек, ишловчиларнинг 102 нафарини ёшлардан иборат. Уларнинг кўпчилигини Хўжайлидаги энгил санoат касб-хунар, транспорт касб-хунар ҳамда

Тахياتош касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Корхонанинг моҳир, қўли гул ишчи-хизматчилари билан суҳбатлашмиш истаги туғилди. Албатта, уларнинг дунёқарашини, ўзларининг қадридон «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ҳақидаги мулоҳазалари, нашрларнинг мазмун-мундарижасини бойитиш хусусидаги тақлифларини қайд этиб бордик.

Урашувини корхона касаб уюшма кўмитасининг етакчиси Бахтиёр Юсупов очди. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни истардик. Йиғилганларнинг кўпчилиги касаб уюшма кўмитаси хонасидаги таълавлардаги газеталаримизни мунтазам ўқиб боришар экан. Шу боисдан ҳам мулоқотимиз қизиқари кечди.

Нурия Камолова, лаборант:

Меҳр

мулоқот чоғида бу ўз

— «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» ўзимизнинг нашр. Корхонамизда ишлаётганларнинг кўпчилиги ёшлар бўлгани учун ҳам уларни шеър ва ҳикоялар ўзига ром этади. Шу билан бирга, дунё воқеалари ҳақида газетанинг ҳар бир сонини қизиқарли мақолалар бериб борилса, деган фикрда эдим.

Темур Муродов, корхона бош муҳандиси:

— Корхонамиз янги қурилган, унда ишловчилар учун барча шароит яратилган. Уни бекорга «Эртақдаги фабрика» дея таърифлашмаган. Лекин меҳнаткаш фақат иш билан тирик эмас-ку. У ҳам маънавий жиҳатдан бойиб бориши зарур. Бунда оммавий ахборот воситалари, айниқса, газеталарнинг тугган ўрни ниҳоятда катта. Шу боисдан ҳам ёшлар, шу жумладан, илғор

йигирувчилар ҳақида лавҳа ва очерклар бериб борилса, айни муддао бўларди.

Барно Абдуллоева, оператор:

— Кўпинча оммавий ахборот воситалари ҳақида гап кетганда, телевидение жуда ривожланиб кетди, телевидение асри, деган фикрларни тез-тез эшитамиз. Лекин, назаримда, газеталарнинг ҳаётимизда тугган ўрни бошқача. Ундаги қизиқарли мақолаларни истаганча мутотлаа қилиш мумкин. Мен ҳам шу фурсатдан фойдаланадман, ҳар бир ҳеда бир нусхадан «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бўлсин, деган таклифни билдираман.

Бахтиёр Акимов, меҳнат муҳофазаси бўйича мутасаддис:

— Газетада меҳнат муҳо-

Касаба уюшма тadbирлари

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ёш авлодни Ватанга муҳаббат, бой миллий қадриятларга ҳурмат, истиклол берган бекиёс неъматларга шукроналик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бош Қомусимиз — тараққиёт асоси

Шу мақсадда «Қатагон қурбонлари хотираси» музейида Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ҳамда «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишлаб, «Қадриятимиз, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» шiori остида «Конституция — миллий аънаналаримиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ҳимоячиси» мавзуда маданий-маърифий тadbир бўлиб ўтди. Унда касаба уюшма фаоллари, ўқув жамоаларининг ўқитувчилари, талаба ёшлар иштирок этди.

Тadbирни Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нуршод Гиясов очиб, иштирокчиларни кутлуг байрам билан табрикланди.

Сўзга чиққан маърузачилар юртимиз мустақилликка эришган кунлариданоқ юртбошимиз раҳбарлигида дастлабки қабул қилинган устувор ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлиб, унинг барча бўлим ва моддалари мустақил Ватанимизнинг миллий қадриятларини тиклашга, инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилганлигини таъкидлашди.

— Юртимизда яшаб, фаолият кўрсатаётган ҳар бир фуқаро Асосий Қонунимиз — Конституциянинг барча моддаларини мукаммал билиши лозим, — дейди тadbир иштирокчиси Акбар Бобоқулов. — Чунки Бош Қомусимиз бизнинг миллий ғуруримиз, ифтихоримиз ҳисобланади.

Тadbир сўнггида иштирокчилар музей экспозициялари билан танишди.

Жамшид ЭРГАШЕВ, «Ishonch» мухбири

Бахтимиз Қомуси — Конституциямизда эътироф этилгандек, Ўзбекистон Республикаси ўз моҳиятига кўра, халқ манфаатини ифодалайди, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини қонун асосида қафолатлайди. Демократик ва ижтимоий адолат принциплари сиёсий ҳокимият фаолиятининг асосларини ташкил этади.

Бор бўл, оқибат!

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлигини амалда намойён этишида, шубҳасиз, касаба уюшмаларининг ўзига хос ўрни бор. Касаба уюшма ташкилотлари томонидан олиб борилаётган байрамолди тadbирларида эса ўзбекона бағрикенглик ва меҳр-оқибат акс этаётгани нур устига нур бўлмоқда.

Вилоят марказидан Қонимех тумани томон йўлга чиққан ишчи гуруҳ аъзолари кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олишдек эзгу-мақсадни ният қилишди. Сафар давомида совға-салом жамланмалари кам таъминланган оилаларга қишлоққа-қишлоқ етказиб берилди. Жараён арафасида яна 10 та ана шундай оилалар байрам таровати акс этди. АСМ ходимлари касаба уюшмаси Қонимех туман кенгаши раиси томонидан кўмакка муҳтож аъзоларнинг ҳар қайсисига энг кам иш ҳақи миқдоридан ёрдам пулларни топширишди.

Бирлашма вакиллари ва касаба уюшма туман кенгашлари ҳамкорлигида Нурота туманида кечган тadbирларда байрам руҳини ҳис этдик. Туман ҳудудида жойлашган «Эркаклар мурувват уйи» ҳамда 7-максус мактаб-интернатда байрам дастурхони ёзилди. Дилкаш куй-қўшиқ ва ўйин-кутиллар ҳамкорлигининг ўзига хос ёрқин ифодаси бўлди. Бундай тadbирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида катта сафарбарлик асосида ташкил этилаётди.

Норимхон НУРМАНОВА, Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудир

Муносиб меҳнат барқарорлигини таъминлаш йўлида



(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада).

Маълумки, мамлакатимизда ходимлар муносиб меҳнатини таъминлаш тамойили эркин, адолатли ва хавфсиз меҳнат, меҳнат кишининг қадрлаш мезонларига асосланади. Меҳнат соҳасидаги халқаро меъёр ва тамойиллар, ходимлар ижтимоий ҳимояси қўламини кенгайтириш, давлат органлари, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасидаги ижтимоий мулоқот самарали амалга ошириб келинмоқда.

Кейинги йилларда иш жойларида экологик меъёрларга риоя этишининг аҳамияти, шу жумладан, яшил иш ўринлари яратиш, бунинг учун тегишли шарт-шaroитларни таъминлашда иш берувчиларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш йўналишларида жонланмиш кўзга ташланмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигининг таъминлангани, кучли ижтимоий ҳимоя тамойили асосида изчил амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида меҳнат кишининг ижтимоий ҳимояси давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг доимий диққат марказида турибди.

Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистонда ҳуқуқат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклиги аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш имкониятларини оширмоқда.

Хусусан, меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ишларида касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу йўналишда бандлик соҳаси ва меҳнат муносабатларини янада либераллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати тизимлари барқарор ишлашини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг муурожаатлари юзасидан тезкор амалий чоралар кўриш масаласи ҳам касаба уюшмалари диққат марказидадир. Чунончи, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига 2013 йилнинг 9 ойи давомида фуқаролар томонидан жами 9446 та, жумладан, 3635 та ёзма, 3983 та озаки, «Ишонч телефонлари» орқали 1811 та ва интернет тармоғи орқали 17 та муурожаат келган. Ёзма муурожаатларнинг 3487 таси ижобий ҳал этилди. Ходимлар ҳуқуқини тиклаш мақса-

дида судларга киритилган жами 54 та даъвонинг 38 таси, қонун бузилиши ҳолатларини бартароф этиш юзасидан амалга оширилган 443 та тақдимноманинг 332 таси қаноатлантирилди.

Касаба уюшмаларига янги аъзоларни жалб этиш, нодавлат сектори қорхоналарида касаба уюшма ташкилотларини тузиш, фаоллар орасида ахборот тушунтириш ишларини олиб бориш ишлари ҳам бевосита муносиб меҳнат шaroитларини таъминлашга қаратилган муҳим омиллардан биридир. Олиб борилган тизимли ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида нодавлат секторидаги 2 минг 883 та қорхона ва ташкилотда бошланғич касаба уюшма қўмиталари тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 50 минг нафардан ортиқ ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш, яратилган янги иш ўринлари ҳаққонийлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилиши ва кўмаклашиш борасида ҳам тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Ўтган 9 ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари томонидан 2 минг 986 та қорхона ва ташкилотда 27 минг 771 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш, иш ҳақи-

касб этаётди.

Бугунги кунда замон талабига мос равишда Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини бойитиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда қатъий бажарилишига эришиш вазифалари устуворлик қилмоқда. Мазкур локал ҳужжатлар орқали ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилмоқда. Жамоа шартномалари шарофати ила ишчи-хизматчилар қатор имтиёз ва қафолатлардан фойдаланмоқда. Жамоа шартномалари ходимларнинг бевосита ва билвосита даромадларини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, республика миқёсида амал қилаётган

86 та тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсидаги 14 та ҳудудий келишув, бевосита қорхона, ташкилот ва муассасалардаги 93 минг 805 та жамоа шартномаси ходимлар манфаатлари ҳимоясига хизмат қилмоқда. Касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслардан 95,8 фоизининг жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиншига эришилганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатини амалга ошира бориб, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари томонидан аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Касб-хунар коллежларининг амалиётчи ўқувчиларига ҳамда ишга жойлашган коллеж битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, касб-хунар коллежларининг 2012-2013 ўқув йилидаги 501 минг 148 нафар битирувчиси ишлаб чиқариш амалиётини ўтатиш ва уларнинг уч томонлама шартномалар билан қамраб олиншида кўмаклашилади.

Касаба уюшмалари жамоа шартномалари орқали меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш борасида ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 78,2 минг нафардан ортиқ аҳоли вакиллари соғломлаштирилди. Уларга яратилаётган шaroитлар ҳамда тиббий хизмат сиёсатини янада ошириш мақсадида тизимдаги санаторийлар биноларини қайта қуриш, капитал таъмирлаш, қўшимча бинолар барпо этиш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, Жиззах вилоятида янги «Хавотро» санаторийси қурилишини ташкил этиш мақсадида 15 млрд. 473 млн. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Ёз мавсуми давомида 1 минг 58 та болалар соғломлаштириш оромоҳида меҳнатқашларнинг 293 минг 866 нафар фарзанди дам олдирилди. 4,5 минг нафар Оролбўйи болалари, 2 минг нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, 3,9 минг нафар иқтидорли болалар, 600 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул йўлланmalar берилди.

Давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида мазкур йўналишларда олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатлар Ўзбекистонда муносиб меҳнат барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

Кўзда

Қайта-қайта таъкидланди

фазаси ҳақида қўллаб мақолалар бериб борилаётгани қувонарли ҳолат. Лекин бу иш илгор чет эл мамлакатларида қай тарзда йўлга қўйилганлиги ҳам бизни қизиқтиради. Шу мавзуда мақолалар чоп этилишини хоҳлардик.

Хўжайли туманидаги 5-болалар мусика ва санъат мактабидagi шарт-шaroит кўрган кишининг ҳавасини келтиради. Чунки ушбу маскан Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан экиндагина қурилиб, фойдаланишга топ-

«Санъат гунаҳлари» танловида иштирок этиб, фахрли II ўринга сазовор бўлди. Мактаб ўқувчилари туман ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтказилаётган байрамлар ҳамда тантанали кечаларда фаол иштирок этишаётди.

— Хўжайли туманида истеъдодли ёшлар кўп, — дейди мактаб директори Қиличбек Қарлибобов. — Элимизнинг мусика ва санъатга иштиёқи йилдан йилга ортапти. Айнан шу истеъдодли ёшларни тарбиялаб, уларнинг санъатини халқимизга тўхфа этишини асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Ушбу санъат маскани ўқитувчи ҳамда ўқувчилари билан мулоқотимиз ҳам ниҳоятда қизиқarli кечди.

Қарлига Соғиндиқова, аънавий ижрочилик бўлими ўқитувчиси: — Касаба уюшмалари наشرларини бажонидил ўқиб борамиз. Лекин унинг ижодкорлари билан илк бор учрашди турибмиз. Халқимизда «Меҳр кўзда» деган ибора бор. Шу боисдан ҳам бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилса, фойдадан холи бўлмасди.

Халбозор Урозбоева, халқ чолғулари бўлими ўқитувчиси: — Антон Сим, Мавлон Нуманов, Олга Қиличова каби ўқувчиларимиз турли танловларда голибликни қўлга киритишди. Айнан шулар ҳақида лавҳалар берилса, бу улар учун рағбат вазифасини ўтаган бўларди.

Шуманайлик шифокорлар ҳам эл саломатлигини сақлаш мақсадида фаолият юритиб келишмоқда. Туман аҳолисига 1 та шифохона, 10 та амбулатория поликлиника, жумладан, 1 та туман тиббиёт бирлашмаси 9 та тармоқли поликлиникаси, 9 та КВП, 1 та ДСЭНМ томонидан тиббий профилактика ёрдами кўрсатилмоқда. Туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси аъзолари сони 821 нафарини ташкил этади. Жорий йил давомида касаба уюшма ташкилоти томонидан санаторийларга 11 нафар тиббиёт ходимига имтиёзли, 1 нафарига эса бепул йўлланма берилди. 35 нафар аъзога моддий ёрдам кўрсатилди. Тиббиёт ходимларининг 36 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромоҳларида дам олдирилди.

Мазкур туман тиббиёт ходимлари билан кечган суҳбатимиз ҳам қизгин кечди.

Омонбой Қалбаев, туман тиббиёт бирлашмаси

Касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Туманимизда тиббиёт ривожига ҳисса қўшган кишилар кўпчилигини ташкил этади. Улардан бири марҳум Жўлдасбой Жонмуродовдир. Халқ бу инсонни яхши эслайди. Ниҳоятда самимий, ўтган ижодий йўллари ҳақида мақолалар ўқишни истардик.

Шуманайлик шифокорлар ҳам эл саломатлигини сақлаш мақсадида фаолият юритиб келишмоқда. Туман аҳолисига 1 та шифохона, 10 та амбулатория поликлиника, жумладан, 1 та туман тиббиёт бирлашмаси 9 та тармоқли поликлиникаси, 9 та КВП, 1 та ДСЭНМ томонидан тиббий профилактика ёрдами кўрсатилмоқда. Туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси аъзолари сони 821 нафарини ташкил этади. Жорий йил давомида касаба уюшма ташкилоти томонидан санаторийларга 11 нафар тиббиёт ходимига имтиёзли, 1 нафарига эса бепул йўлланма берилди. 35 нафар аъзога моддий ёрдам кўрсатилди. Тиббиёт ходимларининг 36 нафар фарзанди ёзги соғломлаштириш оромоҳларида дам олдирилди.

Мазкур туман тиббиёт ходимлари билан кечган суҳбатимиз ҳам қизгин кечди.

Омонбой Қалбаев, туман тиббиёт бирлашмаси

Раъно Утемуродова, акушер-гинеколог: — Газета саҳифаларида ёш келин-куввларга маслаҳатлар ҳамда ахлоқий мавзуда мақолалар чоп этилса, жуда фойдали бўларди.

Гавҳар Собирова, ҳамшира: — Ҳамшираликка 1832 йили илк бор асос солган Флоренс Найтгейл (Италия) ҳақида мақола берилса, дегандим.

Қаерда бўлмайлик, мулоқотимиз жонли ва қизиқarli ўтди. Касаба уюшма аъзолари газеталаримиз ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришар экан, биз ҳам «Меҳр кўзда» эканлигига яна бир бор иймон келтирдик.

Неъмат РАФИҚОВ, Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбирлари

Реклама ва эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Республика ветеринария лабораториясининг 2013 йил 18 ноябрдаги 321-сонли хати ва Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ветеринария лабораториясининг 2013 йил 25 ноябрдаги 01-4/593-сонли буйруғига асосан Термиз тумани, «Мустақиллик» маҳалласида сақланаётган Дамас русумли, д/р 75/ 866 ГАА бўлган, 2001 й. и/ч автомашина. Б/б 1 501 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 3 январ кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридagi мулк 2014 йил 3 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 10 январ ва 17 январ кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2014 йил 3 январ учун 2013 йил 31 декабр, 2014 йил 10 январ кuni учун 2013 йил 8 январ ва 2013 йил 17 январ кuni учун 2013 йил 15 январ кuni соат 18:00.

Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини SMM MЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р 2020800090491294001, МФО 01063, ИНН 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тadbиркорлар маркази» биноси. 25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома.

## Кўргазма

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети қошида Олий журналистика курслари ташкил этилган бўлиб, бу курсларда турли мутахассисликка эга бўлган йигит-қизлар иккинчи касб сирларини ҳам ўрганишмоқда.

## Ихтисослашув — долзарб вазифа

Яқинда ЎзМУ да «Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари»га бағишланган иккинчи илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон мустақил ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази директори Г.Бобонова, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ахборот маркази раҳбари О.Усаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ш.Деҳқонов. Ўзбекистон жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети декани А.Нурматовларнинг маърузалари тинланди. Маърузалар юзасидан фикр алмашуларда ЎзМУ профессор-ўқитувчилари, магистрантлар, Олий журналистика курслари тинловчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Семинар доирасида «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Фахр Ғулом ва Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган янги китоблар кўргазмаси ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Отам,  
онам  
ва мен  
спорт-  
чилар  
оиласи.



## Авлодлар учрашуви

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Авлодлар учрашуви: ибратли ҳаёт — эҳтиром ва қадр!» мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, 47-Менделеев олимпиадаси голиблари ва Тошкент шаҳридаги иқтидорли қизлар иштирок этди. Сўзга чиққанлар кўп йиллик меҳна-

ти билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб, айни чоғда кексалик гаштини сураётганларга давлатимиз

Саримсоқова, Зарифа Саидносирова, Зайнаб Садриева, Саида Зуннунова ва бошқа кўлаб аёлларимиз биз учун фахр тимсоли эканлиги эътироф этилди. Зулфияхоним қизлари шёвр ва жозибдор рақслари билан тадбирга фойиз бағишлади. Фахрийлари-мизнинг ёшлиги акс этган суратларни чизган расмоз қизлар фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Г.МИРЗАЕВА

## Эҳтиром ва қадр

томонидан алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганлигини таъкидлашди. Миллатимиз фахри бўлган Нодирбеғим, Зебунисобегим, Жаҳон Отин Увайсий, Зулфияхоним, Лутфоним



## ВЕЛОСПОРТ

25-30 ноябр кунлари Тошкент вилоятининг Янгибод шоссесида велоспортнинг шоссе тури, жамоавий пойга, критериум ҳамда эркалар ўртасида шоссе бўйича кўпқунлик пойга йўналишларида Ўзбекистон чемпиони бўлиб ўтди.

## Ғолиблик нашидаси

Қизгин кечган велопойгада мамлакатимизнинг 50 дан ортиқ истеъдодли спортчилари ўз имкониятларини синовдан ўтказишди. Айниқса, Наманган, Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри спортчиларининг кўлга киритган натижалари салмоқли бўлди. Мусобақа якунларига кўра, 21 км. лик жамоавий пойгада ғолиблик қўйидаги кўриш олди: 1.Глеб Горбачёв, Хусниддин Жаҳимов, Юсуп Абреков, Павел Бойченко. 2. Расул Туланов, Роман Шукуров, Эрнест Османов, Ақром Сунатов. 3. Улуғбек Сунатов, Дмитрий Панкратов, Алишер Вахобов, Дмитрий Головин. 70 км. масофадаги критериум пойгасида Юсуп Абреков, Эрнест Османов Глеб Горбачёв, 25 км. масофада кечган Республика кўпқунлик яқка тартибдаги пойгада Юрий Ширмухаммедов, Роман Шукуров ва Глеб Горбачёвлар ғалаба нашидасини суришди. 110 км. лик масофага жамоавий пойгада эса Эрнест Османов, Юсуп Абреков, Хусниддин Жаҳимовлар шохсупанинг юқори поғоналарига кўтарилишди. 124 км. лик жамоавий пойгада совринли ўринларга Алишер Қўзиев, Расул Туланов ҳамда Хусниддин Жаҳимов сазовор бўлдилар. Шунингдек, кўпқунлик велопоёғининг уч босқичи натижалари бўйича мутлақ ғолиблик Юсуп Абрековга насиб этган бўлса, «Фаол пойгачи» номинацияси билан Дмитрий Головин тақдирланди. Алена САПАРОВА, Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

## БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Навоий кон-металлургия комбинатининг 55 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ўтказилмоқда. НКМКга қарашли спорт саройида бадий гимнастика бўйича «Қизилқум олтини» Республика очик турнири ана шундай тадбирлардан бири бўлди.

## Қизилқум олтини

Мусобақада навоийлик қизлар билан Бухоро, Қарши, Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда Қозоғистон давлатидан келган 1998-2004 йилларда туғилган 80 нафардан зиёд спортчи иштирок этди. Ўш спортчилар томонидан бажарилган машқларини ҳаққилар хайъати муносиб баҳолаб борди. Турнирда спорт усталари ҳам синовдан ўтди. Унга кўра, бухоролик Зарина Негматова, навоийлик Фарангиз Аҳмедова ва Нукус шаҳридан келган Дилнур Астанақулова кучли учликни ташкил этди. Ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

М.АЛОВУДДИНОВ

## ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА

Тошкент шаҳридаги «Қушбег» спорт мажмуасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Соғлом оила — соғлом келажак» деб номланган оилавий спорт ўйинларининг республика босқичини ўтказди.

## Соғлом келажак сари

Спорт билан шуғулланишни оилаларнинг кундалик турмуш тарзига синдириш, оила аъзоларини турли спорт ўйинлари ва жисмоний машқларга қизиқтириш мақсадида ташкил этилган мусобақалар икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич туман жамоалари ўртасида бўлиб, ҳар бир худуддан биринчи ўринларни кўлга киритган 14 та оилавий жамоа республика босқичига йўллангани кўлга киритган эди. Югуриш, акробатика, нишонга отиш эстафетаси, ким қаққон ва мерган, моҳир ўқотар, арқон тортиш, қаққон она ҳамда эпил киз шартлари бўйича қизгин ва мусоабасиз ўтказилган мусобақаларда Тошкент вилоятдан Юсуповлар оиласи 1-, Тошкент шаҳридан Сафинлар оиласи 2-, Самарқанд вилоятдан Тўрабоевлар оиласи 3-ўринларни кўлга киритишди. Ғолиб ва иштирокчи жамоалар жамғарма ҳамда ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. С.АБДУРАҲМОНОВ

## Биласизми?

Мамлакатимизда рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички бозорни янада тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, шу турдаги янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялашда Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори катта аҳамият касб этади.

## Имтиёз

Қарор асосида янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналарга 2014 йилнинг 1 январига қадар солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалардан имтиёз берилган. Белгилаб қўйилганидек, солиқ ва боғхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, шунингдек, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилиш, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан, кредитларни тўлашга йўналтирилиши кўзда тутилган. Бу борада туманимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Доимий равишда тадбиркорларга қарорнинг мазмун-моҳияти тўшунтирилиб, шу турдаги мавжуд 17 та корхона берилган имтиёзлардан самарали фойдаланяпти. Натижада, жорий йилнинг тўққиз ойида имтиёзлар авазига жами 614,8 млн. сўм миқдоридagi маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолиб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга йўналтирилди.

Ўткир СУЛАЙМОНОВ,  
Яккасарой туман ДСИ  
бўлим бошлиғи

## Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Кўнлар совий бошлаши билан корхона, ташкилот ҳамда хонадонларда турли иситиш тизимларидан фойдаланиш ҳоллари кескин кўпаяди. Шунга кўра, мамлакатимизда 20 ноябрдан 20 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбирларини ўтказиш белгиланган бўлиб, «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Барча цехларда режада белгиланган тадбирлар ижроси таъминланаётир.

Хусусан, Самадулло Собиров бошчилик қилаётган «Технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқариш тизимлари» (ТЖАБТ) цехида ҳам ойлик намунали ўтказиш мақсадида махсус ҳайъат тузилди. Барча ишчи-ҳодимларга ойликни ўтказишдан кўзланган мақсад ва вазифалар тўшунтирилди. Техник ўқитиш дастурларига ёнғин хавфсизлиги ва хавфсизлик техникаси бўйича махсус мавзулар киритилиб, машғулотларни намунали тарзда ўтказишга эътибор қаратилмоқда. Цехда ёнғинга қарши ва хавфсиз-

## Ижро назорати

лик техникаси ҳолатлари текширилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди ва ижроси назоратга олинди. Бирламчи ўт ўчириш воситаларининг ҳолати ўрганилаётир. Азиз Болтаев, Даврон Тўхлиев каби соҳа мутахассисларнинг кўргазмали стендлар ташкил этилди. Тўлқин ИСЛОМОВ, «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» УК ТЖАБТ цехи бошлиғи ўринбосари, Отабек ШЕРБОЕВ, 9-ХЕХК катта муҳандиси

Газетанинг навбатдаги сони 7 декабр, шанба куни чиқади.

# O'ZSANOATQURILISHBANK

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«ЎЗСANOATҚУРИЛИШBANK» OATБ ХАЛҚАРО ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ!

WESTERN UNION

Золотая Корона

UNiStream

ЛИДЕР  
ДЕНЕЖНЫХ СЕРЕВОНОВ

UZBEKISTAN  
MONEY TRANSFER

Migom

СОН ПЛАС

BLIZKO

INTER EXPRESS

MoneyGram  
Международная денежная переводы

ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ!

«Ўзсаноатқурилишбанк» OATБ куйидаги янги OMONAT турларини тақриф этади!

<p style="text-align: center;"><b>«Тежамкор»</b></p> <p>Депозит тури: «Муздати депозит» Муздати: 3 ой Бошланғич бадаланинг минимал миқдори: Минимал 100,0 минг Қўшимча шартлари: Фонд даромади ҳар ойда тўланади</p>	<p style="text-align: center;"><b>«Маржон»</b></p> <p>Депозит тури: «Муздати депозит» Муздати: 4 ой Бошланғич бадаланинг минимал миқдори: Минимал 100,0 минг Қўшимча шартлари: Фонд даромади ҳар ойда тўланади</p>
<p style="text-align: center;"><b>«Мадад - 1»</b></p> <p>Депозит тури: «Муздати депозит» Муздати: 3 ой Бошланғич бадаланинг минимал миқдори: Чегараланмаган Қўшимча шартлари: Фонд даромади ҳар ойда тўланади</p>	<p style="text-align: center;"><b>«Яхши ният»</b></p> <p>Депозит тури: «Муздати депозит» Муздати: 6 ой Бошланғич бадаланинг минимал миқдори: Минимал 100,0 минг Қўшимча шартлари: Фонд даромади ҳар ойда тўланади</p>

## даромад олинга!

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари "Фукараларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланган.  
муружаат учун телефон: 120-45-24, вэб-сайт: www.uzpsb.uz

Вақт давомида синалган ишонч!

<p>O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi</p>	<p><b>Bosh muharrir o'rinbosari</b></p> <p><b>Zayniddin Rixsiyev</b></p> <p><b>Tahrir hay'ati:</b></p> <p>Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indin NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).</p>	<p>2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.</p> <p>ISSN 2010-5002</p> <p>7 720 10 50000 4</p> <p>Gazeta o'set usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.</p>	<p><b>Bo'limlar:</b></p> <p>Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.</p> <p><b>Viloyatdagi muxbirlar:</b></p> <p>Andijon +998 91 141-27-70; Buxoro +99893 653 50 81; Sirdaryo +998 90 999 58 30; Jizzax +998 94 418-67-49; Navoiy +998 94 226-28-84; Namangan +998 90 260-50-77; Samarqand +998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo +998 95 502-16-68; Farg'ona +998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +998 90 719-48-00.</p>	<p><b>Manzillimiz:</b></p> <p>100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy</p> <p><b>Nashr ko'rsatkichi:</b></p> <p style="font-size: 1.2em; font-weight: bold;">133</p> <p>Gazeta haftaning eshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.</p>	<p><b>Navbatchi muharrir:</b></p> <p><b>A.Abdullayev</b></p> <p>Navbatchi:</p> <p><b>S.Abdurahmonov</b></p> <p>Musahhh:</p> <p><b>S.Shodiyeva</b></p> <p>Bosilishga topshirish vaqti - 21.00 Topshirildi - 19.30</p> <p>E-mail: ishonch2012@gmail.com</p>	<p>Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullayev</p> <p>«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning nomi: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.</p>
---	--	--	--	---	---	---

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Γ — 1211 13521 nusxada bosildi 2 3 4 5